

Мужтаҳидлар кимлар?



15:03 / 28.12.2024 1975

Ташаддуд йўналиши тарафдорлари динни фақатгина Қуръон ва Суннат деб талқин қилиб, ҳар бир масалага далил сўрайверишади, чунки улар иккинчи таърифдан, яъни «Фиқҳ илми – мукаллафлар қиладиган амалларнинг ҳолатини ҳалол ёки ҳаромлик, фасод ёки саҳиҳлик жиҳатидан ўрганадиган илмдир», деган таърифдан ғофил қолишган.

Демак, фақиҳнинг иши шифокорнинг ишидек экан. Ҳозир шифокорнинг ҳузурига бориб, «Қорним оғрияпти», дейсиз. У сизга: «Нима единг? Нима ичдинг? Қон босиминг борми? Қандли диабет билан оғримаганмисан?» деган саволларни беради. Кейин дори ёзиб беради. Шифокорнинг иши шунақа. Ўша шифокордан: «Сиз айтган фалон дори қандай тайёрланган?» деб сўрайсизми? Йўқ. Бу соҳанинг ўз мутахассислари бўлади – доришунослар.

Худди шунга ўхшаб, муҳаддислар ҳам фақиҳларга: «Сизлар табибсизлар, бизлар эса доришунос», дейишади. Ҳа, фақиҳлар шифокорга ўхшайди, уларнинг амали ҳукм чиқариш бўлади. Уларни бирор ташкилот деб олсак, одамлар уларга никоҳ ва талоқ, савдо-сотик масалалари бўйича мурожаат қилишса, ҳолатга қараб, ҳукм чиқариб беришади. Демак, фақиҳлар мукаллафлар қилаётган амалларнинг ҳолати ҳақида баҳс қилишади, уларнинг далили ҳақида эмас. Далилнинг баҳсини қила оладиган зотлар эса мутлақ мужтаҳидлардир.

Бир масаланинг далили мужтаҳид томонидан Қуръон ва саҳиҳ Суннатдан олинганига ишонч ҳосил қилмасак, уни қабул қилмаймиз. Мужтаҳидлар кимлар? Улар саҳоба, тобеъин ва мазҳаб имомларидир. Ҳукм фақат ҳанафий, моликий, шофеъий ёки ҳанбалий мазҳаби уламолари томонидан чиқарилган бўлсагина қабул қиламиз. Масалан, бир ҳукмнинг Абу Ҳанифага нисбат берилганини кўрсак, аниқ биламизки, у зот ҳеч қачон далилсиз гап айтмаганлар. Оддий муфтий эса мазҳабни пухта ўргангач, мана шу мазҳаб асосида фатво беради, чунки унинг олдида мутлақ мужтаҳидлардан етиб келган, ишончли, мазҳабда қарор топган ҳукмлар бўлади. Биз ҳукмни мана шундай мазҳабдан содир бўлсагина қабул қиламиз. Фармацевт одам дорини фақат ишончли корхонадан олиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан муҳрланган ҳолатда бериши керак бўлганидек, биз ҳам ҳукмни фақатгина ишончли, муҳр босилган мазҳаб томонидан берилгандагина қабул қиламиз. Шундагина кўнглимиз хотиржам бўлади.

Масалан, камина ходимингизнинг иши ҳам шахснинг ҳолатларини ўрганишдир. Фалончида нима содир бўлди, нега хотинини талоқ қилди, унинг ҳолати қандай? Шуларни билиб, сўнг унга мазҳабдан ҳукм айтаман. Мен шифокор бўлсам-у, доришунос бўлмасам, лекин ўзимча бориб, дори тайёрласам, беморни ўлдириб қўйиши мумкин, чунки менинг ишим уни даволашдир, унга дори тайёрлаш эмас. Дорини шу соҳанинг мутахассислари тайёрлайди. Бунинг учун жуда катта илм, тажриба керак. Энди мен фақиҳ бўла туриб, янгитдан ҳукм чиқариш билан шуғуллансам, «Фалончининг хотинига талоқ тушибди», деб фатво бериб юбораман, Фалончининг қўлини кесишга ҳукм қиламан, яна кимнингдир ҳаётини барбод қиламан, натижада бутун жамиятни бузиб юбораман. Эътибор беряпсизларми?! Шундай ҳолат юзага келади!

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16
апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.